



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

4 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 4, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 4, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2021

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Доғистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одижоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Яраш Гаффоров ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР.....	4
2. Жуммагул Абдурахмонова, Улуғбек Исмоилов ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....	11
3. Жавлонбек Бегалиев ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТАРИХИ (1940-1950 йиллар).....	18
4. Ҳамза Жўраев БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА СОВЕТЛАРНИНГ МАДАНИЙ ИНҚИЛОБ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	24
5. Jahongir Inoyatov JAHON FOTOSURAT TARIXINI O'RGANISHGA DOIR ILMIY YONDASHUVLAR EVOLYUTSIYASI.....	31
6. Жамшид Кўчаров АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА БУХОРОНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ САВДОДА ТУТГАН ЎРНИ.....	37
7. Айгуль Раимова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИН ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ВА ФАН.....	45
8. Шохсанам Сулаймонова ШАРОФ РАШИДОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	51
9. Солежон Тошев ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИ.....	57
10. Фарход Усманов XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ИЧКИ ИШЛАР МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....	63
11. Шухрат Қудратов XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	72
12. Сулаймон Ҳайдаров ЎҚУВЧИЛАРДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....	78

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шохсанам Сулаймонова,
Чирчик давлат педагогика институти
“Тарих” кафедраси ўқитувчиси,
sulaymonovashoxsanam@gmail.com

ШАРОФ РАШИДОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

For citation: Shokhsanam Sulaymonova. SKETCHES OF A POLITIC PORTRAIT OF SHARAF RASHIDOV. Look to the past. 2021, vol. 4, issue 5, pp.51-56

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-5-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Шароф Рашидовнинг Ўзбекистонда раҳбарлик қилган йиллари ва у томонидан мамлакат тараққиёти учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги амалга оширган ислохотлари ҳамда Совет Иттифоқининг сиёсий тазйиқлари ва қарамлик ҳолатининг Ўзбекистонга таъсири ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ёритиб берилган.

Мақолада давлат арбоби, ёзувчи, адиб Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва шарафли хизматларини ёритишдаги ҳаққоний илмий асосланган бой манбалар ҳамда уларда келтирилган маълумотлар баён этилган. Мамлакат қишлоқ хўжалигининг танглик ҳолатидан олиб чиқишдаги, ирригация, милиорация ва бошқа йўналишлардаги ижобий фаолияти ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: давлат арбоби, ёзувчи, бунёдкорлик, раҳбарлик, ирригация, аграр ўлка, мелиорация, шарафли хизмат.

Шохсанам Сулаймонова,
преподаватель кафедры «История»
Чирчикского государственного педагогического института,
sulaymonovashoxsanam@gmail.com

ЭСКИЗЫ ПОЛИТИЧЕСКОГО ПОРТРЕТА ШАРАФА РАШИДОВА

АННОТАЦИЯ

В этой статье обсуждаются годы руководства Шарофа Рашидова в Узбекистане и его политические, экономические и социальные реформы для развития страны, а также политическое давление Советского Союза и влияние зависимости от Узбекистана.

В статье собраны богатые научные источники и информация о жизни и заслугах государственного деятеля, писателя Шарофа Рашидова. Обсуждались позитивные действия сельского хозяйства страны в преодолении кризиса, ирригации, мелиорации земель и других сферах.

Ключевые слова: государственный деятель, писатель, креативность, лидерство, ирригация, аграрная страна, мелиорация, почетная служба

Shokhsanam Sulaymonova,
Teacher, Department of History,
Chirchik Pedagogical Institute,
sulaymonovashoxsanam@gmail.com

SKETCHES OF A POLITIC PORTRAIT OF SHARAF RASHIDOV

ABSTRACT

This article discusses the years of Sharof Rashidov's leadership in Uzbekistan and his political, economic, and social reforms for the country's development, as well as the political pressure of the Soviet Union and the impact of dependence on Uzbekistan.

The article contains rich scientific sources and information about the life and merits of the statesman, writer Sharof Rashidov. The positive actions of the country's agriculture in overcoming the crisis, irrigation, land reclamation and other areas were discussed.

Index Terms: Statesman, writer, creativity, leadership, irrigation, agricultural country, melioration, honorable service.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартда қабул қилинган “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори кенг жамоатчилик томонидан кўтаринки руҳда кутиб олиниб[1], шу йили Шароф Рашидовнинг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги бир қатор асарларда жумладан, Ш.Рашидов раҳбар бўлган даври ҳақида илгари ҳукмрон бўлган тасаввурлар қайта кўриб чиқилди. Олимларимиз совет даври тарихига, у давр шахсларига баҳо берганда бугуннинг кўзи, бугуннинг меъзони билан ёндашмасдан даврни мураккаблигини доим эсда тутишлари лозим ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев айтганидек, “Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди эди, у мавжуд тузумга садоқат билан хизмат қилди. Аммо бедодликни қарангки, шундай одам дунёдан кўз юмганида ўзи умр бўйи ҳимоя қилган, содик бўлиб хизмат қилган тузум унга хиёнат қилди. Мисли кўрилмаган шаккоклик билан унинг хотирасини таҳқирлаб, жасадини кўчирдилар, оила-аъзолари ва қариндош-уруғларини таъқиб этдилар. “Рашидовчилик” деган сохта иборани ўйлаб топиб, унинг хотирасини ёмонотлик қилдилар”[2. 343-344. б].

Истиклол ва тараққиёт йўлимиз белгилаб олинган, бой миллий-маданий меросимизга, тарихимизга янгича муносабат талаб қилинаётган бир даврда мустақил давлатимизнинг кўп асрлик тарихини миллий манфаатлар нуктаи назаридан кўриб чиқиш, тарих муаммоларни янгича ёндашув асосида талқин этиш каби долзарб вазифалар ўз ечимини топмоқда. Тарихан қисқа даврда эришган энг катта ютуқларимиз – бу юртимиз озодлиги ва кадриятларимизнинг тикланганлигидир. Зотан, юртимиз худудидан етишиб чиққан буюк шахслар, давлат арбоблари, мутафаккирларнинг ҳаёти, уларнинг мамлакатимиз тараққиётига кўшган ҳиссаси ва улар қолдирган маънавий меросни ўрганиш, тадқиқ этиш, асраб-авайлаш олий мақсадимиздир.

Ўзбекистон тарихининг Шароф Рашидов раҳбарлик қилган даври ўта мураккаб ва зиддиятларга бойлиги билан халқимиз хотирасида оғир таассуротларни уйғотади. Шу боис Ш.Рашидов даврини ўрганиш ва унга объектив баҳо бериш тарихчи, сиёсатчи ва адабиётчи олимлар учун мураккаб иш ҳисобланади. Энди Ўзбекистонда чорак асрлик Ш.Рашидов мураккаб ва зиддиятли бошқаруви нима натижалар ва ютуқларга эришди деган саволга энг аввало ўз сиёсатида Ўзбекистон ва Марказ манфаатлари ўртасида мувозанатни ушлаб туришга ҳаракат қилди. У раҳбарлик қилган давр давомида учта совет раҳбарлари Н.Хрущёв,

Л.Брежнев, Ю.Андроповлар алмашди ва уларнинг ҳар бири давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида кескин ўзгаришларга, Гарб давлатлари билан ўзаро мусобақада тобора ортда қолиб бораётган совет тузумини ислоҳ қилишга, уни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолишга интилди. Шахсий характери ва олиб бораётган сиёсати бир-биридан кескин фарқ қилувчи бу раҳбарлар билан Ш.Рашидовни тил топиши, улар сиёсатига мослашиши, ўзбек халқи ҳамда Ўзбекистон манфаатларини доимо инобатга олиши ва ҳимоя қилиши осон кечмади.

Бу табиий ҳол, зотан Ш.Рашидов раҳбарлик қилган даври умумий маънода ўзбек халқини XX аср мустақилликкача бўлган даври тарихидир. Бу тарих миллийлик ва большевикча байналмилаллик, исломий анъаналар билан коммунистик даҳрийлик ўртасидаги кураш тарихидир аслида [3. 3. б.]. Ушбу кураш адабиёт ва санъатни, фан ва маорифни, миллий онг ва эътиқодни, кундалик турмуш ва урф-одатларни, умуман олганда ижтимоий ҳаётни барча жабҳаларини қамраб олган XX аср бўйлаб давом этган кураш жасорати эди. Бу курашнинг энг буюк натижаси эса ўзбек халқини ўзлигини, ўз миллий гурурини сақлаб қолиши бўлди. Ҳеч шубҳасиз Ш.Рашидов бу курашнинг олдинги сафида бўлди ва “биз бугун тўла ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб гишт кўя олган арбоблардан бири эди” [4. 89. б].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур илмий мақолани ёзишда тарихийлик ва холислик тамойиллари, тарихий кетма-кетлик, тарихий-қиёсий, анализ, синтез, хронологик усуллардан кенг фойдаланилган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Ш.Рашидов шахси ва у инсоннинг давлат раҳбари сифатидаги хизматларини тарихий-сиёсий жиҳатдан ўрганиш масалаларига катта эътибор қаратилди. Жумладан, И.Каримовнинг “Халқимизнинг оташқалб фарзанди”, Ф.Исҳоқовнинг “Совет ҳукумати давридаги йулбошчилар”, Р.Аминовнинг “Ҳаёт ҳаммасини ўз жойига қўйди», Б.Даминовнинг “Рашидов ҳақида сўз”, Г.Саломовнинг “Эзгуликка чоғлан, одамзод”, М.Қаюмовнинг “Ўчмас из”, А.Рашидовнинг “Акам ҳақида”, Р.Газиёвнинг “Деятели Узбекистана. Воспимание о Шарофе Рашидове” ва Т.Алимардоновнинг адибнинг 100 йиллигига бағишланган “Ўчмас шараф”, Ш.Эргашевнинг “Эрк истар кўнгил”, Ш.Эргашевнинг “Шароф Рашидов”, С.Ризаевнинг “Портретга чизгилар” каби рисола ва асарлари Ш.Рашидовнинг ҳаёти ва шарафли хизматларни ёритишдаги ҳаққоний илмий асосланган бой манбалардир.

3. Тадқиқот натижалари:

Ш.Рашидов ноёб ақл-заковати, меҳнатсеварлиги ва камтарлиги билан катта обрў эътибор қозонган, мустамлакачилик зулми остида жабр қўрган халқимизга садоқат билан ҳалол хизмат қилган атоқли давлат арбоби ва ёзувчидир. У умр бўйи ўз халқига, барча соф ниятли инсонларга яхшилик қилиб, уларни катта-катта орзу-истаклар, мақсадлар йўлида бирлаштирди. Мустамлакачиликнинг огир синовлари таъсирида қолган бўлсада, у доимо инсонпарварлик гоёларига, Ватанга муҳаббат руҳига содиқ бўлиб, халқимиз қалбида шухрат қозонди.

Собиқ Иттифокдаги 80-йиллар бошларида вужудга келган қишлоқ хўжалигининг танглик ҳолатида Ўзбекистоннинг сиёсий етакчиси Ш.Р.Рашидов мамлакат аграр мажмуини молиявий-маблаг ва зарур манбалар билан таъминлашда, шунингдек, ўша йиллардаги хўжалик-маданий қурилишнинг бошқа йўналишлари бўйича сезиларли ижобий фаолият олиб борди. У Марказ сиёсати оқимида боришга мажбур бўлишига қарамасдан, йўл қўйилган имкониятлар даражасида халқнинг, айниқса, қишлоқ аҳолиси, деҳқонларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга интилди, умумий турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқларга ёрдам бериш, республикамизни соф аграр ўлкага айлантириш учун зарур маблагларни ва моддий манбаларни қўлга киритишга муваффақ бўлди ва ўз мақсадлари йўлида тинмай фаолият олиб борди.

Шароф Рашидов даврида Ўзбекистон илм-фани, адабиёти, санъати ўзининг энг юксак намуналари билан бойиди. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси ўзгарди. Пойтахт Тошкент эса энг гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Навоий, Гулистон, Янгиер, Зарафшон, Учқудуқ каби янги шаҳарлар қад кўтарди, замонавий саноатнинг кўплаб соҳалари тараққий

эта бошлади, айниқса қишлоқ хўжалигини механизациялашда катта ютуқларга эришилди. Бу даврда Ўзбекистон аҳолиси икки баробардан зиёдрокқа кўпайди, яъни 1959 йилги 8119 минг кишидан 1983 йили 17087 минг кишига етди. 1959 йили Ўзбекистонда саноатнинг 70 та соҳасида 1300 та йирик завод ва фабрикалар бўлиб, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар дунёнинг 41 та давлатига экспорт қилинган бўлса, 1983 йилга келиб саноатнинг 100 дан зиёд соҳасида 1500 дан ортиқ йирик корхоналар маҳсулоти дунёнинг 70 дан зиёд мамлакатларига экспорт қилинди [5. 5. С. 555].

Соҳаларни малакали кадрлар билан таъминлашда 1959 йили Ўзбекистондаги 31 та олий ва 85 та ўрта махсус ўқув юртларида 145,5 минг йигит ва қизлар таълим олган бўлса, 1983 йилга келиб, Ўзбекистонда 43 та олий ўқув юртларида қарийб 35 минг профессор-ўқитувчи меҳнат қиларди. Бу даврда Ўзбекистон фақат ўз халқ хўжалиги учун эмас, бошқа республикалар ва 80 та чет мамлакатлари учун ҳам мутахассислар тайёрларди.

1983 йилга келиб Ўзбекистонда 3,5 миллион малакали ишчилар бўлиб, уларнинг катта қисмини маҳаллий миллат вакиллари ташкил қиларди. Мисол учун, 1959 йилдан 1979 йилгача ишчиларнинг умумий сони 2,7 марта ўсган ҳолда, миллий ишчи кадрлар сони 3,7 мартага ўсди [6. С. 22-32].

Ш.Рашидов эл манфаатини ҳимоя этишда, унинг турмуш даражасини оширишда ҳар бир мавжуд имкониятдан оқилона фойдаланиб, шу мақсади йўлида халқни бирлаштира олган. Ш.Рашидов чўлга сафарбар этилган кишиларнинг меҳнатини, ҳаёти, турмушини ташкил эта олган раҳбар ҳисобланади. Унинг раҳбарлик ва инсоний фазилатлари, минтақа учун амалга оширган бунёдкорлик хизматлари, айниқса, халқаро сиёсатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги улкан хизматлари у инсоннинг раҳбарлик маҳорати хусусиятларининг бир намунасидир.

Ўзбекистондаги, шу жумладан, қишлоқлардаги кўпгина муҳим объектларларни қурилиши Шароф Рашидов номи билан боғлиқ. Унинг бевосита иштироқи билан қишлоқ хўжалигининг моддий-техника негизи, унинг салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ўзгаришлар амалга оширилди. Бироқ миллий раҳбарнинг имкониятлари чекланган эди. Марказ аграр қурилиши мафқураси ва стратегиясини белгилаб берарди, унинг моҳияти биринчи навбатда пахтачиликни жадал ривожлантиришдан иборатлигича қоларди. Пахтачиликни муваффақиятли ривожлантириш учун биринчи навбатда, пахта саноати базасини яратиш белгиланган эди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигини тўлиқ саноатлаштириш учун бир пайтнинг ўзида мустаҳкам моддий-техник базани ҳам яратиш муҳимлиги Республиканинг деярли барча район ва совхозларида пахта тозалаш заводларининг вужудга келишига туртки бўлди.

1966 йил ирригация ва мелиорация йўналишида янги босқичнинг очилиши ерларни суғориш ва ирригация соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш имкониятини берди. Қарши чўлини ўзлаштиришда 1963-1968 йиллар мобайнида кўп миқдордаги замонавий қурилиш техникаси фаолият кўрсата бошлади. 1964 йил 77 км узунликдаги 6 та йирик насос станцияси – Қарши магистрал канали қурилиши бошланди [7.С.77-79].

Жиззах, Қарши, Мирзачўл, Марказий Фарғона ва Республиканинг бошқа кўпгина яроқсиз ерларини ўзлаштиришдаги хизмати давлат раҳбарининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги эътиборга молик салоҳиятидан далолатдир.

70-йилларда Республикада пахтачиликни ривожлантиришда кимёвий моддаларни қўллаш ҳудудимиз табиий муҳитига ҳалокатли тарзда таъсир кўрсатди, хавфли касалликларни ва ўлим даражасини кучайтирди.

Миллий раҳбаримиз Шароф Рашидов бошчилигида Республиканинг машҳур олимлари, миллий зиёли вакиллари иттифокнинг органларига тинимсиз мурожаатлар қилиб, ўз халқининг тақдири учун чуқур ташвиш билан ўз фикрларини баён қилган. Улар ўз мурожаатларида заҳарли кимёвий моддаларнинг қишлоқ хўжалигида оммавий равишда татбиқ этилиши инсон саломатлигига ва атроф-муҳитга ҳалокатли таъсир кўрсатишини таъкидланган.

Миллий раҳбарнинг саъй ҳаракатлари билан Республикада ёппасига кимёлаштиришнинг хавфли оқибатларига барҳам бериш мақсадида 70-йилларнинг бошларида гўзаларга кимёвий ишлов бериш ҳажми қисқартирила бошланди, захари кучли бўлган дорилардан фақат зарарланган майдонларда ва иложи борича авиация воситасиз ерга ишлов бериш усулидан фойдаланиш чоралари маълум муддат йўлга қўйилди. Бу ҳаракатлар миллий раҳбаримизнинг таҳликали вазиятларда ҳам ўз халқининг манфаатларини, унинг саломатлиги ҳақида қайгуришидаги инсонпарварлик фазилатлари намунаси эди[8].

Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистонда Шароф Рашидовнинг номи ҳурмат эътибор билан эсга олинади. Ўзини кучли раҳбар ва мохир дипломат сифатида кўрсата олган ўзбек халқининг қаҳрамони камчиликларга тўла совет бошқарув тизимини ўзбек халқининг ўлчаб бўлмас ривожини учун йўналтирилган.

Шароф Рашидов Шўро ҳокимияти даврининг барча давлат арбоблари сингари вафотидан кейин қораланди, ҳаёти ва ижодини ўрганиш таъқиқланди. Мустақиллик шарофати билан адиб ва давлат арбобининг номи қайта тикланди.

2016 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қарори билан Жиззах вилоятининг Жиззах туманига “Шароф Рашидов тумани”, Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдони ёнидаги кўчага “Рашидов кўчаси” номи берилиши ҳам давлат арбобига қаратилган холисона эътибордир. 2016 йилнинг 6 октябр куни Жиззах шаҳрида Шароф Рашидов ҳайкали ўрнатилди.

4. Хулосалар:

Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасини улуглаш мақсадида 2017 йил 28 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёв “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Ушбу қарорда миллатимиз ифтихори - Ш.Рашидовга “Республикамизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасини улуглаш ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида”, - дея таъриф берилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Шароф Рашидов сиёсатчи сифатида ҳаётлиги вақтида бажаришга улгурган ва у амалга оширган бунёдкорлик ишлари унинг вафотидан сўнг ҳам сақланиб қолган ижобий серқирра фаолиятининг ўзи кўп нарсадан дарак бермоқда. Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқи доирасида унинг раҳбарлигида ҳеч бир истисносиз барча соҳаларда эришилган натижалари у парчаланиб кетгандан кейин энди мустақил давлат – Ўзбекистон Республикасининг кейинги ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор бўлди десак асло муболага бўлмайди. Ўтмиш мутафаккирлари таъбири билан айтганда, тарих – халқ хотирасидир ва у инсоният йилномасидан кимнингдир шахсий саъй-ҳаракатлари билан ўчирилиши мумкин эмас. Тарих инсонни кўп нарсага ўргатади ва унинг сабоқларидан бири – буюк даврларгина буюк инсонларни яратади, деган хулосадир. Ҳар бир халқ тақдири таҳликали ва зафарли жараёнларга тўла тарихдир. Ўзбек халқи ҳам шундай зафарли ва таҳликали тарихнинг вакили. Мустақиллик биз эъзозлаган ерни, у билан бирга юрт ихтиёрини, миллат ифтихорларини қайтариб берди. Бугун нимаики мерос қолган бўлса, уни янада ривожлантиришимиз, асрашимиз, давом эттиришимиз лозимлигини англади.

Зотан, ўзининг улуг фарзандларини асрай олган, уларнинг улкан хизматлари олдида кичик хатоларини кечира олган багрикенг халқгина буюк бўлиши мумкин.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Resolution Of The President Of The Republic Of Uzbekistan “On the 100th anniversary of the birth of the outstanding statesman and writer Sharaf Rashidov” // “People's debt”, 2017years, 28 varch.
2. Mirziyoyev Sh.M. We will build our great future together with our brave and noble people. Т.:”Uzbekistan”, 2017. 343-344 pages.

3. Ergashev Sh. Sharaf Rashidov. T.: "Ilm-ziyo-zakovat" 2019. 3-p. [3. 3. p].
4. Karimov I.A. Uzbekistan: national independence, economy, politics, ideology.-T.: "Uzbekistan" PPPA, 1996. 89-p.
5. Karimov I.A. "Firelike children of our people", F.Isakov. "Leaders during the Soviet era", R.Aminov "Life has put it all in its place », B.Daminov "A word about Rashidov", G.Salomov "Be kind, human", M.Qayumov "Eternal track", A.Rashidov "About my brother", R.Gaziyev "Figures of Uzbekistan. Memory about Sharof Rashidov" and T.Alimardanov "Eternal good fortune", Sh.Ergashev "Want to have some fun", Sh.Ergashev "Sharaf Rashidov", S.Rizayev "Drawings on the portrait".
6. Look: Essays on the History of the Communist Party of Uzbekistan. - Tashkent, publishing house «Uzbekistan», 1974. [4. 555 p].
7. Rashidov Sh. Fraternal cooperation of the peoples of the USSR at the stage of mature socialism. Tashkent, publishing house CC Communist Parties of Uzbekistan. 1983.22 p.[5. 22-32 p].
8. Ergashev Sh. Want to have some fun. .-T.: "Uzbekistan", 2017. 7-p.[6. 7-10 p].
9. Look: CiF: Cotton business in Uzbekistan. What was it like (history). Issue 1.
10. <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1210739760>[7.].